

Нигора ЮСУПОВА

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси
доценти, юридик фанлар доктори

Абдуллоҳ МАЛЛАБОЕВ

Манбалар хазинаси ходими

“ШОХ МАНСУР ВА ШОХ НОСИР” ЗИЁРАТГОҲИ ТАРИХИГА НАЗАР

ВЗГЛЯД НА ИСТОРИЮ СВЯТЫНИ «ШОХ МАНСУР И ШОХ НОСИР»

A LOOK AT THE HISTORY OF THE SHRINE OF “SHOKH MANSUR AND SHOKH NOSIR”

Аннотация: Маргилон шаҳрининг Ёрмадўз маҳалласида жойлашган “Пур Сиддиқ” зиёратгоҳи ёнидаги қабристонда халқ орасида “Шоҳ Мансур, Шоҳ Носир” номи билан аталувчи икки мақбара улуг қадамжолардан саналади. Мақбаралардан бири Шоҳ Мансур ва иккинчиси Шоҳ Носирга тегишли эканлиги ҳамда улардан бири яъни Шоҳ Мансур Ҳазрат Али (р.а)нинг ўғли Муҳаммад ибн Ҳанафиянинг фарзанди эканлиги ҳақидаги маълумотлар келади.

Калит сўзлар: саййид, зиёратгоҳ, қўлёзма, шажара, мақбара, алавий, ҳусайний, мусавий, ризавий, ҳанафия-мансурия, Маргилон саййидлари.

Аннотация: На кладбище рядом со святылищем «Пур Сиддик» в Йормадозском районе города Маргилана две могилы с именем «Шох Мансур, Шох Насир» в народе считаются святынями. Одна из гробниц принадлежит царю Мансуру, а другая-царю Насиру, есть сведения, что один из них, то есть царь Мансур, является сыном Мухаммеда ибн Ханафи, сына Хазрат Али (ас).

Ключевые слова: саййид, святыни, рукопись, древо, мавзолей, алавиты, хусейниты, мусавиты, ризавиты, ханафи-мансури, саййиды Маргилана.

Annotation: At the cemetery next to the “Pur Siddiq” sanctuary in the Jormadoz district of the

city of Margilan, two graves with the name “Shoh Mansur, Shoh Nasir” are popularly considered shrines. One of the tombs belongs to King Mansur, and the other to King Nasir; there is information that one of them, that is, King Mansur, is the son of Muhammad ibn Hanafi, the son of Hazrat Ali (as).

Keywords: sayyid, shrines, manuscript, tree, mausoleum, Alawites, Husseinites, Musavites, Rizavtyis, Hanafi-Mansuri, Margilan Sayyids.

Минтақамизнинг қадимий тарихи ва бой маданияти, бу ўлкада яшаб ўтган аждодларимизнинг жаҳон маданиятини ривожлантиришга қўшган ғоят улкан ҳиссалари ҳозирги кунда ҳам турмушнинг барча жабҳаларига сезиларли таъсир ўтказмоқда.

Ўзбек халқи Марказий Осиёнинг бошқа халқлари сингари жуда бой маданий меросга эгадир. Ҳеч шубҳасиз шуни таъкидлаш лозимки, узоқ йиллар мобайнида маънавий кўпуровчиликдан иборат собиқ иттифок тузуми Ўзбекистонда азалдан мавжуд маънавий меросни етарли даражада ўрганишдаги ғов эди. Ўзбек халқи бой маънавий меросининг ажралмас таркибий қисми албатта ислом таълимоти билан бевосита боғлиқдир.

Бугун юксак фахр ва ифтихор билан айта оламизки, юртимиздан етишиб чиққан алломалар “Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Қафғол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб даҳолар номи нафақат ислом, айтилиши вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган. Шу нуқтаи назардан, буюк аждодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутунжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу масала ёшларда илм-фанга ва таълим олишга интилиш туйғусини кучайтириш, барча жамиятларда ислом қадриятлари ва маданиятини тўғри англаш ҳамда қабул қилиш, дунёнинг барча халқларига Ислом динининг ҳақиқий мазмун-моҳиятини етказиш учун муҳимдир” (Қаранг: 1).

Азалдан минтақамизда миллий маънавий қадриятларнинг муҳим жиҳатларидан бири

бўлган муқаддас кадамжо ва ва зиёратгоҳларнинг инсонлар тафаккури шаклланишига таъсири ўзига хос ўрин тутди. Зеро, халқ маънавий маданияти ва тарихини ҳар томонлама ўрганишда асрлар давомида яшаб келаётган ва ҳозирги кунда ҳам жамият ҳаётида ҳамда ҳар бир кишининг шахсий ҳаётида муҳим роль ўйнаб келувчи зиёратгоҳлар билан боғлиқ культлар, турли халқ эътиқодлари ва оғзаки анъаналари ҳам аҳамиятга моликдир. Шу нуқтаи назардан мазорлар ҳамда зиёратгоҳлар билан боғлиқ манбаларни тадқиқ қилиш орқали ёзма манбаларни изоҳлаш, минтақадаги диний қарашлар, халқнинг ижтимоий тарихи ва унинг ривожланиш динамикасини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Маъулумки, жаннатмакон юртимизнинг вилоятларида, жумладан Фарғона водийсида ҳам жуда кўплаб тарихий шахслар номи билан боғлиқ мазорлар ҳамда зиёратгоҳлар, хусусан пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг мусулмон дунёсида машҳур бўлган асхоблари, тобеинлар, табаъа тобейлар номлари билан боғлиқ қадамжолар мавжуд бўлиб, бу ерлар маҳаллий халқ томонидан зиёратгоҳларга айлантирилган.

Манбаларни тадқиқ этиш жараёнида шундай хулосага келиндики, Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида Ҳазрат Алининг Имом Ҳасан ва Имом Ҳусан ҳамда Муҳаммад Ҳанафия сингари фарзандларининг авлодлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар мавжуд бўлиб, ҳозирга қадар уларга мансуб хонадон аҳлини “Тўра”, “Тўраҳон”, “Тақсир”, қиз-жувонларини “Пошша”, “Пошшаҳон” деб атаб келадилар. Ушбу хонадон вакиллари ўзларини Ғавсул Аъзам ва Маҳдуми Аъзам авлодларидан эканликларини айтадилар. Марғилон шаҳрида ана шундай, Пайғамбаримиз (с.а.в) хонадонига мансуб бўлган Ғавсул Аъзам ва Маҳдуми Аъзам авлодларининг ўрни катта бўлганлигини тарихий маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Ушбу оилалар ўзларини Ҳасаний саййидлар ва Ҳусайний саййидлар дея атаб келганлар. Бу авлод вакиллариға ҳурмат эҳтиром рамзи сифатида ўз даврида ҳукмдорлар томонидан махсус васиқалар берилган (2:5).

Араб мусулмонлар Фарғона остонасига илк бор VII асрнинг ўртасида келадилар (3: 730). 29-ҳижрий (милодий 649) йилда халифа Усмон (р.а.) Хуросонга Умайр ибн Усмон ибн Саъдни волий қилиб тайинлайди. Умайр Фарғонагача етиб келади (4: 919).

Фарғона аҳолисининг ҳарбий тайёргарлиги юксак даражада бўлгани учун арабларга қаттиқ қаршилиқ кўрсатадилар. Ёқут Ҳамавий уларнинг шижоатини шундай таърифлайди: “Мовароуннаҳрликлар юқори ҳарбий тайёргарликка эга. Ўлкада уч юз минг қишлоқ мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида кўплаб отлик ва пиёда аскарлар жангга шай бўлиб туради. Эшитишимча, Фарғона ва Шош аҳолисининг ҳарбий тайёргарлиги ва салоҳияти бошқа шаҳарларникидан кучлироқ бўлган. Ҳатто оддий бир кишида юз ёки икки юзта улов бўлган. Лекин шунга қарамай, аҳоли бошлиқларга сўзсиз бўйсуниб, уларга чин дилдан хизмат қилади. Ҳатто халифалар ҳам ҳарбий мансабларга тайинлашда Мовароуннаҳрдан одам чақиртирар эди. Турклар қўшини жасурлик, шижоат, журъат ва итоат борасида бошқа аскарлардан устун бўлганлар. Мовароуннаҳрликлар халифанинг тансоқчиси ва ишончли қўмондонлари сифатида ҳам фаолият юритганлар. Фарғоналиклар “Халифалик саройи кўриқчилари” деб аталадилар” (5: 47).

Мовароуннаҳрга ислом динининг кириб келиши Қутайба ибн Муслим номи билан чамбарчас боғлиқ. 94-96/ 712-715 йилларда Қутайба Фарғонани эгаллаш орқали Мовароуннаҳр ва Хоразм ўлкаларини бутунлай ўз измига бўйсундирди. Ҳатто Хитойнинг Қашғар шаҳрини ҳам фатҳ этиб, у ерга ислом динини олиб киради. Қутайба ислом оламининг шарққа чўзилган чегарасини ниҳоялаб берди (6:131). Шунингдек, Қутайба Мовароуннаҳр шаҳарларида, ҳатто Шош ва Фарғона ҳудудларида ҳам араблаштириш сиёсатини олиб борган (7: 420). Кейинчалик Қутайбанинг укаси Солиҳ Фарғонанинг Косон ва Ўш шаҳарларини сўнгги марта фатҳ этади (7: 409). Шу тариқа Фарғона водийсида, хусусан, Марғилонда араб мусулмонлар билар бир қаторда саййидлар ҳам қўним топади.

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Марғилон шаҳри X асрдаёқ Фарғона водийсининг савдо ва маданият марказларидан бўлган. Бу шаҳар Соҳибқирон Амир Темур ва Қўқон хонлари даврида ҳам ўз нуфузини сақлаб қолган. Айниқса, мазкур ҳудудда етишиб чикқан алломалар ва уларнинг асарлари ҳозирга қадар аҳамиятини йўқотмай, муҳим тарихий манба сифатида ардоқланиб келинади. Бинобарин, Улуғ Мозор, Пур Сиддиқ, Хўжа Маъоз, Хўжа Эгиз, Қўқмозор, Хўжа Ланголанг, Хўжа Порсо,

Улуғ Ҳазрат Бобо, Савдо Кушойиш мазори ва Соқолли эшон сингари зиёратгоҳлар билан боғлиқ ривоятлар замирида Марғилоннинг узоқ ва яқин ўтмишидан дарак берувчи тарихий маълумотлар ўз ифодасини топган (Қаранг: 8: 10, 12, 13, 27-28).

Марғилон шаҳрининг Ёрмадўз маҳалласида жойлашган “Пур Сиддиқ” зиёратгоҳи ёнидаги қабристонда халқ орасида “Шоҳ Мансур, Шоҳ Носир” номи билан аталувчи икки макбара ҳам мана шундай улуғ қадамжолардан саналади. Макбаралардан бири Шоҳ Мансур ва иккинчиси Шоҳ Носирга тегишли эканлиги ҳамда улардан бири яъни Шоҳ Мансур Ҳазрат Али (р.а.)нинг ўғли Муҳаммад ибн Ҳанафиянинг фарзанди эканлиги ҳақидаги маълумотлар келади (2: 6).

Марғилон шаҳридаги “Шоҳ Мансур ва Шоҳ Носир” мазорига яқин жойлашган яна бир зиёратгоҳ “Пур Сиддиқ” мазори ҳам айнан Ёрмадўз маҳалласида жойлашган. “Пур” сўзининг маъноси форс тилида “ўғил” ва “тўла”, “кўп” маъносини англатади. Ушбу мазорга ҳалифа Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг авлодлари дафн этилган деган ривоятлар келади ва шу сабабдан мазор “Пур Сиддиқ” яъни, “Сиддиқ авлодлари” деб аталган. Ривоятларга кўра, мазкур мазорга Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг еттинчи авлоди юксак илм соҳиби бўлган Сиддикий уламолардан бири дафн этилган. Кейинчалик унинг бу сифатларини ғоят қадрлаб эъзозлаб келган Марғилон аҳли мазорни “ақли тўла донишманд Сиддикий авлоди” кўмилган деган маънода “Пури Сиддиқ” деб аташган. Бундан ташқари мазор номининг келиб чиқиши юзасида қуйидаги тахминлар ҳам мавжуд:

- Пур Сиддиқ, яъни Абу Бакр Сиддиқнинг кўп авлодлари дафн этилган маъносида;
- Пир Сиддиқ, яъни Сиддикийлардан бўлган улуғ пир, яъни авлиё дафн этилган маъносида.

Буюк аллома, “ал-Ҳидоя” асарининг муаллифи Бурҳониддин Марғиноний Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг авлодларидан бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд, шу сабабдан ҳам Бурҳониддин Марғиноний Пури Сиддиқ мазорига, яъни аجدодлари дафн этилган мазорга зиёратга тез-тез келиб турган. У айнан шу ерда чиллахонада муттасил рўза тутиб, ўзининг шоҳ асари ал-Ҳидояни яратган (2: 6-7).

Шу ўринда “Шоҳ Мансур” мазори ҳақида баъзи маълумотларни бериб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Аввал таъкидланганидек,

“Шоҳ Мансур”, “Пур Сиддиқ” мазорлари Марғилон шаҳридаги қадимий қабристонлардан бўлиб, “Шаҳид мазор” номли икки зиёратгоҳни ўз ичига олган. Нақл қилишларича, бу ерга мусулмон саркарда Қутайба ибн Муслим билан бирга келган араб жангчилари дафн этилган. Ривоятларга кўра, Марғилон атрофидаги араб мусулмонлар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги жангларда ҳалок бўлган мусулмонларнинг барчаси бир қабрга дафн этилган. Шунинг учун уларнинг қабри “Шаҳид мазор” номини олган. Мазкур икки зиёратгоҳнинг асл номи яқин кунларгача номаълум эди. Кейинчалик тарихчи олимларнинг бу борада олиб борган тадқиқотлари туфайли зиёратгоҳларнинг номи аниқланган. Улардан бири Шоҳ Мансур, иккинчиси эса Шоҳ Носирга тегишли бўлган. Шоҳ Мансур буюк саҳоба Али (р.а.)нинг фарзанди Муҳаммад Ҳанафия (а.р.)нинг ўғли ҳисобланади. Шоҳ Носир эса Шоҳ Мансурнинг яқин кишиларидан бўлган деган тахмин мавжуд (Қаранг: 8: 91, 97). Мирсайид Муҳаммад Али Хўжа ва унинг ўғли Мирсайид Маҳмуд Хўжаларнинг шажараси ҳам мазкур Шоҳ Мансурга туташган.

Тарихий манбаларда Муҳаммад Ҳанафия (а.р.)нинг Шоҳ Мансур исмли ўғли бўлгани ҳақида маълумотлар учрамайди. Шоҳ Мансур исм эмас, балки лақаб бўлиши ҳам мумкин. Маълумки, олимлар ва саййидларга ўз исми билан эмас, балки лақаблари билан мурожаат қилиш қадимдан урф бўлган. Айниқса, Аббосий халифаларда бу анъана урф бўлган. Имом Муҳаммад Ҳанафия (а.р.)нинг ўғли Жаъфар ҳамда унинг ўғли Абдуллоҳ Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкаларида кейинчалик исм билан эмас, “Шоҳ Мансур”, “Мусалсил Занжирпо” каби лақаблар билан зикр қилинган бўлиши мумкин. Зеро, Муҳаммад Ҳанафия (а.р.)нинг зурриётлари асосан унинг Жаъфар исмли ўғли ҳамда Жаъфарнинг Абдуллоҳ исмли ўғлидан тарқалган (2: 88-89).

Шунингдек, Марғилон шаҳрида олим Нодирбек Абдулаҳатов олиб борган тадқиқотлар натижасида мазкур зиёратгоҳ Али (р.а.)нинг набираси Шоҳ Мансурга тегишли экани аниқланган (8: 91). Агар мазкур тахминларга кўра иш қўрилса, Мулла Мирсайид Маҳмуд Хўжанинг момоси Хайрунисо Ойим Али (р.а.)нинг ўғли Муҳаммад Ҳанафия (а.р.)нинг авлодларидан экани ҳам равшанлашади.

Ҳозирда ушбу зиёратгоҳ Эгамбердиев Эралибек хожининг фарзандлари Бахтиёр ва Ихтиёр Эгамбердиевлар томонидан таъмирланиб, зиёратчилар ихтиёрига топширилган (2: 88-89).

Мазкур зиёратгоҳнинг яна бир эътиборга молик жиҳати шундаки, у ерда Марғилон саййидлари тарихига оид қўлёзма асарлар топилган. Марғилон саййидларидан бўлмиш Ҳазрат Шайх ал-Қавий Абдулвоҳид ибн Муҳаммад Муфтий ҳамда Мирсаййид Муҳаммад Али Хўжа қаламларига мансуб мазкур қўлёзма шажара тўртта асардан иборат:

1. Ҳазрат Шайх ал-Қавий Абдулвоҳид ибн Муҳаммад Муфтий. Ажойиб ал-қисас.
2. Мирсаййид Муҳаммад Али Хўжа. Қиссаи ранж ва ибтилои Ҳазрат Айюб (а.с.)
3. Мирсаййид Муҳаммад Али Хўжа. Аҳли байтга эҳтиром ва Расулуллоҳ (с.а.в.) насаблари.
4. Мирсаййид Муҳаммад Али Хўжа. Шажаранома.

Мазкур қўлёзма асарлар 1355-ҳижрий муҳаррам/1936 йил апрель ойида Самарқанд шаҳрида кўчирилган (Қаранг: 9).

Марғилон шаҳрида XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаб ўтган машҳур саййидлардан Мирсаййид Муҳаммад Али Хўжа саййид ва унинг ўғли Мирсаййид Маҳмуд Хўжа саййиднинг шажараси ҳақидаги мазкур қўлёзма асарлар Марғилон саййидлари тарихининг баъзи қирраларини очиб беришга хизмат қилади. Мирсаййид Муҳаммад Али Хўжа нафақат саййид, балки фикҳ, тарих ва бошқа бир қатор диний илмлар билимдони бўлгани унинг ёзган асарларидан маълумдир. Олимнинг насаби нафақат Муҳаммад (с.а.в.)га, балки сабр бобида зарбулмасал бўлган Айюб (а.с.) га ҳам туташади. У “Қиссаи ранж ва ибтилои Ҳазрат Айюб (а.с.)” номли асарида Айюб (а.с.) ҳақидаги қиссани ишончли манбаларга таянган ҳолда баён қилгандан сўнг ўзининг аجدлари ҳақида қуйидагиларни ёзади:

“Айюб (а.с.)нинг зикри, мадҳи, ҳолати, риёзати ва мўъжизалари баён қилингандан сўнг улуғларга маълум, муҳтарам уламоларга масмуъ ва хос ва авомга мафҳум бўлғайки, буюк Аллоҳнинг камтарин қулларидан бўлмиш камина, яъни Мирсаййид Муҳаммад Алининг насаби ота тарафдан Мирсаййид Қози Хўжа ибн Мирсаййид Муҳаммад Амин Хўжа ибн Мирсаййид Абдулалим Хўжа Қозига, она тарафидан эса Хайринисо Ойим бинт Саййидул-

ошиқин Саййид Юсуф Хўжа Эшон Ошиқ ибн Ҳазрат Шайхул-машойих Амирсаййид Аҳмад Шайх Носириддин бўлади.

Ва бу камина Мирсаййид Муҳаммад Али Хўжа ҳар икки тарафдан, яъни ота ва она тарафдан Халили Раҳмон Ҳазрат Иброҳим (а.с.)га уланади. Иброҳим (а.с.)нинг саккизта ўғли бўлган. Биринчиси Ҳазрат Исмоил (а.с.), иккинчиси эса Ҳазрат Исҳоқ (а.с.)дир. Исҳоқ (а.с.)нинг ўғли Ийс, унинг ўғли Айюб (а.с.) бўлган. “Мавоҳиб алайҳ” номли тафсирда “Сод” сурасининг шарҳида айнан шундай зикр этилган. Улар бу каминанинг аждодларидан саналади. Тез орада бу янада равшанроқ баён қилинади. Инша Аллоҳ! Шунингдек, Ҳазрат Халили Раҳмон Иброҳим (а.с.) қолган олти улуғ фарзандлари ҳам Аллоҳнинг тавфиқи билан зикр қилиб ўтилади.

Бу фақирнинг ота-боболари шажараси Айюб (а.с.)га уланиши аниқ ва равшандир. Зеро, Қози Хўжа ибн Муҳаммад Амин насаб жиҳатдан Саййид Бурҳониддин Қилич авлоди экани ишончли ҳужжатлар асосида исботланган. Шунингдек, Косон вилояти қозиси Фарҳат Тўламон Мулла Муҳаммад Шариф ибн Мулла Раҳим Бобо Қози ва Хон Хўжа Қози ибн Хўжажон Хўжа ва бошқа дин олимлари томонидан ўз тасдиғини топган. Шу боис бу нусха мазкур нусхадан кўчирилган. Бу борада ҳеч бир мусулмон хилоф ва инхироф (қарама-қаршилиқ) қилмаган. Хусусан, кимга қозилик мансаби насиб этса, пок шариат ва тўғри мазҳаб – ҳанафий мазҳабига қўра, бу мактубни етказишнинг ўзи шариат аҳкомларини жорий қилишга кифоя қилади ва шу сабабли улуғ савобга сазовор бўлади.

Аллоҳнинг улуғ исмини ва ислом имомларининг сўзларини табаррук қилган ҳолда айтамизки, мазкур олимларнинг барчасидан Аллоҳ рози бўлсин, бу масаланинг таҳқиқи шуки, Мулла Мирсаййид Муҳаммад Али Хўжа Айюб (а.с.)нинг ворисларидан саналади. Шу боис ҳар қандай суратда ҳам мазкур Мулла Муҳаммад Али Хўжага атаб Аллоҳнинг бандалари томонидан бериладиган назр ва садақаларни олиш фақат у зотнинг авлодларига лойиқ ва жоиздир. Шунингдек, бу каби садақа ва назрларни олиш у жанобнинг фарзандларидан бўлмаган бегоналарга жоиз эмас” (Қаранг: 9).

Мазкур шажара марғилонлик уламо ва саййидзода Мирсаййид Муҳаммад Али

Хўжанинг насаби ва шажараси Марғилон шаҳридаги саййидларнинг маълум бир табақаси ҳақида кенгроқ маълумот олишга ёрдам беради. Мазкур саййидзода ўз боболарини шундай зикр қилади: “Бу олий ва буюк хонадон, яъни алавий, ҳусайний, мусавий, ризавий, шунингдек, ҳанафий-мансурия хонадонининг Саййид Бурҳониддин Қилич авлодларидан бўлмиш Ҳазрат Қози Хўжа Муҳаммад Амингача уланиши ҳужжатлар асосида ўз исботини топган” (Қаранг: 9). Демак, Марғилон саййидлари аҳли байтнинг алавий, ҳусайний, мусавий, ризавий ҳамда ҳанафий-мансурия тоифасига тааллуқли саналадилар.

Насабшунос олим Абу Наср Бухорий (а.р.) аҳли байтнинг мазкур ва бошқа тоифалар ҳақида шундай ёзади: “Аҳли байт фотимий, алавий, толибий, ҳошимий ва қурайший каби тоифаларга бўлинади. Фотимийлар Расулulloҳ (с.а.в.)нинг қизлари Фотима (р.х.) авлодлари саналади. Алавийлар Али (а.р.)нинг зурриётларидир. Шу боис фотимийлар алавий бўлади, лекин алавийлар фотимий бўмаслиги мумкин. Толибийлар Расулulloҳ (с.а.в.)нинг амакилари Абу Толиб авлодларидир. Абу Толибнинг Али, Ақил ва Жаъфар исмли ўғиллари бўлган. Али (р.а.)нинг авлодалар ҳам алавий, ҳам толибий ҳисобланади. Аммо Ақил ва Жаъфарнинг авлодлари фақат толибий саййидлардан ҳисобланиб, алавий деб аталмайдилар. Толибийларнинг барчаси ҳошимийдир. Лекин ҳошимийларнинг ҳаммаси ҳам толибий бўлмайди. Чунки ҳошимийлар орасида фотимийлар ва алавий ҳам бор. Барча ҳошимийлар қурайший саналади. Қурайшийлар эса ҳошимий бўлмаганларни ҳам ўз ичига олади. Қурайшийларнинг ҳаммаси арабдир. Аммо арабларнинг ҳаммаси ҳам қурайший эмас. Зеро, араблар Қурайшдан бошқа қабилаларга ҳам мансуб бўладилар.

Бунинг сири шундаки, Ҳасан ва Ҳусайн (р.а.)ларнинг авлодлари фотимийлар деб аталади. Али (р.а.)нинг ўғиллари бўлмиш Ҳасан, Ҳусайн, Муҳаммад Ҳанафий, Аббос ва Умар (р.а.)лардан тарқалган зурриётлар эса алавий ҳисобланади. Али, Жаъфар, Ақил (р.а.)лар авлоди толибийлардир. Абдулмутталибнинг авлодлари эса ҳошимийлар деб номланади. Назр ибн Кинонадан тарқалган зурриётлар қурайший, Яъруб ибн Қахтон авлодлари эса араблардир” (10: 1-2).

Хулоса қилиб айтганда, халқимиз онгида азалдан вақти-вақти билан мазкурлар ва

қадамжоларни зиёрат қилиш одамларни ёмон йўллардан узоқ юришга, инсофли-диёнатли бўлишга, ўзидан фақат яхшилик қолдириш, одоб-ахлоқ, ўзаро дўстона муносабатлар, қариндош, ота-она ва фарзандларнинг ҳақ-ҳуқуқларига риоя этиш, меҳр-оқибат, ҳалоллик, адолат сингари ҳайрли ишларга чорлаши ҳақидаги қарашлар ўзига хос ижобий характерга эгадир. Демак, аҳоли учун зиёратгоҳлар асрлар мобайнида ўзига хос маънавий тарбия ва озуқа вазифасини бажариб келган. Марғилон шаҳри қадимдан ислом дини маданиятининг ўчоғи бўлган. Фақиҳлар, олимлар, хусусан, саййидларнинг обрўси ва ҳурмати баланд бўлиб, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамия касб этган. Шу боис Марғилонда саййидларга ўзгача эҳтиром билан муносабатда бўлганлар. Уларнинг макбаралари зиёратчилар билан гавжум бўлган. Марғилонда бу каби зиёратгоҳлар сони кўп бўлиб, уларнинг тарихини чуқур тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб мавзуларидан, десак муболаға бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқ. 18.10.2017. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-vazifasini-bazharuvchi-sha-18-10-2016>.
2. Н.Юсупова, А.Абдумажид ўғли. Марғилон саййидлари тарихидан. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа биришмаси, 2018.
3. Ибн Жарир ат-Табарий. Тарих ат-Табарий. – Ар-Риёд: Байт ал-афкар ад-давлия, 2005.
4. Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Халдун. Тарих Ибн Халдун. Ж.1. – Байрут: Дар Ибн Ҳазм, 2003.
5. Ёкут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-Булдон. Ж.5. – Байрут: Дар Байрут, 1984.
6. Аҳмад Роиф. Атлас тарих ал-ислам. – Қоҳира: Дар аз-захро ли ал-иълам ал-арабий, 1987.
7. Абул Ҳасан Балозурий. Футуҳ ал-Булдон. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 1991.
8. Н.Абдулаҳатов, Ў.Эшонбобоев. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари. – Фарғона: Фарғона нашриёти, 2007.
9. Мирсайид Муҳаммад Али Хўжа. Шажараном / Қўлёзма. 1936 йил кўчирилган.
10. Абу Наср Бухорий. Сирр ас-силсила ал-алавия фи ансоб ас-сада ал-алавия. – Ҳайдар: ал-Матбаа ал-ҳайдария, 1962.